

YETTI-TO'QIMDAN BIR SHINGIL

Августо Пиночет вафот этди

Утган ой 91 ёшини нишонлаган Чилининг собиқ раҳбари Августо Пиночет ҳаётдан кўз юмди.

Пиночет Сантьяго шаҳридаги ҳарбий госпиталда юрак хуружи оқибатида оламдан ўтган. Госпиталь шифокорларининг сўзларига кўра, 91 ёшли генералнинг аҳоли тўсатдан ёмонлашган ва унинг ҳаётини сақлаб қолиш иложи бўлмаган. Бир hafta аввал ҳам у юрак хуружини бошдан кечирган эди.

Генерал Пиночет Чилида 1973 йилдан 1990 йилгача раҳбарлик қилган. Унинг юргизган сиёсати 3000 дан зиёд одамни ҳалок этган. Пиночет инсон ҳуқуқларини поймол қилишда бир неча мартаба айбланса-да, соғлиғи ёмонлашгани туфайли маҳкамага тортилмаган.

Чилининг собиқ раҳбари бугун Сантьягода дафн этилади.



Дунёда нон танқислиги

Дунёда ақин йиллар ичида нон танқислиги вужудга келиши мумкин.

БМТ озиқ-овқат ва қишлоқ ҳўжалиги маъмурияти мутахассислари шу ҳақда огоҳлантиришмоқда. Ташкилот мутахассисларининг фикрига кўра, бугун ва мақжажбори нархлари ўша йилда дунё бозорларида охириги ўн йилга нисбатан жуда кўтарилиб кетган. Бунга турли омиллар туфайли йил сайин бугунки долларнинг етиштириш

камайиб бораётгани сабаб бўлмоқда. 2006 йилда дунё бўйича 591,8 миллион тонна дунё етиштирилган. Утган йилги кўрсаткичлар эса 624,5 миллион тонна ҳосилни ташкил этган. Ташкилот мутахассислари, шунингдек, дон маҳсулотлари танқислиги аллақачон дунёнинг аксарият давлатларида буй кўрсаткичларини таъкидлашмоқда.

Бир кунда учта фожиа

Охириги бир сутка давомида Россиянинг учта тиббёт муассасасида йирик ёнган содир бўлди.

Москвадаги наркологиya шифохонасида ярим тунда юз беш ёнган 45 нафар аёлни ҳаётдан олиб кетган. Уларнинг барчаси тундан заҳарланиб ўлган. Шифохонанинг эшик ва деразаларига темир панжара ўрнатилгани ўт учирувчилар ишига ҳалакат берган. Расийнинг сўзларига кўра, ёнган атайин ўт кўйилиши оқибатида юзга келган. Бу воқеадан ҳеч қанча вақт ўтмай Кемерово вилоятининг психоневрологик шифохонасига ўт кетган. Оқибатда, 9 нафар одам ҳалок бўлган. Бу фожиа билан бир қаторда Твердаги худди шундай шифохона аланга ичида қолган. Беморларнинг барчасини эвакуация қилишга муваффақ бўлинган.

Саддам жияни "озодликда"

Ироқнинг собиқ раҳбари Саддам Хўсайнинг ақин қариндоси Айман Сабауи қамоқхонадан қочиб кетди.

Ироқ полициясининг таҳминига кўра, Сабауининг қочиб кетишига қамоқхона хизматчилари ёрдам берган бўлиши мумкин. Саддам қариндосининг қочиб кетишидан аввалроқ муассаса бошлиғи "Баас" партиясининг собиқ аъзоларидан таҳдидли нома олган. Қамоқхона бошлиғи бу ҳақда ҳеч қимга маълум қилмаган.

Айман Сабауи Американинг Ироққа бостириб киришидан олдин Саддам маслаҳатчиликдан бўлган. У 2005 йил жангариларни қурол-яроғ ва пул билан таъминлашда айбланиб, умрбод қамоқ жазосига ҳўкм қилинган.

Махсус хизмат хавотирлари

Британия махсус хизмати мамлакат ҳудудига четдан ҳар қандай радиоактив моддаларни олиб кириш осон эканлигидан хавотирга тушмоқда.

Мамлакат ички ишлар вазири Жон Рейд телеканал орқали чиқиш қилиб, британияликларни огоҳликка қорлаган. Вазирнинг сўзларига кўра, Россия Федерал афёсизлик хизмати собиқ ҳодими Александр Литвиненконинг ўлимидан сўнг у шундай тўхтамга келган. 23 ноябрь куни Литвиненко Лондон шифохонасида полоний-210 радиоактив моддаси қўшилган чойдан заҳарланиб ҳалок бўлган. У охириги марта ташиф буюрган барча жойлар ва учрашган одамлар ҳам нурланиш олган. Айрим таҳминларга кўра, Литвиненко заҳарланган вақтида 250 га яқин одам билан учрашган. Хозирча 10 га яқин одамнинг нурланганлиги аниқланган.

Антиқа сайлов

5 декабрь куни Фижида ҳарбий тўнтариш содир этган ҳарбийлар янги ҳўкумат аъзоларини эълон орқали қидирмоқда.

Маҳаллий The Fiji Times газетасининг реклама рўқни остидаги саҳифада вазирлар маҳкамаси ва парламент аъзоларига даъво қилишни истовчилар учун эълон чоп этилган. Унда номзодларнинг мустаҳкам иродали, ўзига га тўқ, полиция билан алоқаси бўлмағлиги ва ҳеч қачон банкротга учрамаган бўлишлари шартлиги айтилган. Тинч океанининг орол давлати Фижида навбатдаги тўнтариш содир этган ҳарбийлар сўзларига кўра, бундай танловдан қўзланган мақсад - этник ғуруҳларни бирлаштириш ва ҳўкумат аъзолари орасидаги коррупцияга ҳек қўйишдир.

INTERNET хабарлари асосида Ш.САНАЕВ тайёрлади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2006 йил 12 декабрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйдаги қийматини белгилади:

1 Австралия доллари	967,47	1 Польша злотийси	427,63
1 Англия фунт стерлинги	2412,87	1 СДР	1871,23
1 Дания кронаси	218,53	1 Туркия лираси	863,95
1 БАА дирҳами	336,86	1 Швейцария франки	1024,92
1 АҚШ доллари	1237,18	1 ЕВРО	1628,62
1 Миср фунти	216,63	10 Жанубий Корея вонни	13,35
1 Исландия кронаси	17,81	10 Япония иенаси	106,05
1 Канада доллари	1076,46	1 Россия рубли	47,16
1 Ҳитой юани	157,93	1 Украина гривнаси	244,99
1 Малайзия рингити	348,16		

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маъмур валюталарни ўша қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

2006 йил - "Ҳомийлар ва шифокорлар йили"

Қизилтопа туманида "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" ҳақидаги давлат Дастурининг ижроси юзасидан талайгина аниқ мақсадли ишлар олиб борилмоқда.

Мехр оғушида

ликда қилинган ишлар қувонари, - дейди туман ижтимоий таъминот бўлими мудири уринбосари Бахтиёр Келдиёров. - Чунки, маҳаллалар томонидан 2006 йилнинг утган ўн ойи давомида 3141 та оилага 7,5 миллион сўм моддий ёрдам кўрсатилди. Жумладан, 92 ёлғиз пенсионерга қарийб 3,3 миллион сўм, воёга етмаган 330 ногирон болага ҳомийлар томонидан икки миллион сўм моддий ёрдам берилди.

Хабарлар

Янги марказ тақдимоти

Гулистон академик лицейида "Ахборот-ресурс маркази"нинг тақдимот маросими бўлди.

Тақдирда вилоятдаги барча ўрта махсус, касб-ҳунар коллежларининг раҳбарлари иштирок этилди. Раҳбар иштирокчилари дастлаб академик лицейини "Ахборот-ресурс маркази" билан танишди.

Гулистонда шифокорлар шаҳарчаси

Яқинда "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" дастурига биноан бир ғурух тиббёт ходимларига вилоят марказига туташ Гулистон тумани ҳудудида уй-жой қуриш учун 8 сотихдан ер участкалари берилди.

Янги Никоҳ уйи

Ўзбекистон Конституцияси куни байрами арафасида Урганч шаҳрида "Хоразм Никоҳ уйи"нинг очилиш маросими бўлди.

Ҳоразм томонлари

Яқинда "Хоразм вилоят чорва наслчилиги" МҲЖ томонидан Украинанинг Днепрпетровск вилоятиндан "Қизилчўл" номли 200 бош этдор қорамоллар келтирилди.

Таънов

Таънов натижаларига кўра, мутлақ ғолиб - Китоб туманидан фермер Саъдулло Тугаев "Нексия" автомобиласи билан тақдирланди.

Мавсум

орқали пастга тушириб юбориш, шунингдек, ҳар бир полга алоҳида сув қўйилиши, бири иккинчисига ўтмаслиги лозим.

Қиш фасли ҳам иш фасли

Яқинда Мирзаобод туманининг "Абдулмуқтор ота" фермер ҳўжалиги даласида вилоят гидрореология мелиоратив экспедицияси ҳамда Урта Осиё ирригация илмий-тадқиқот институти (САНИИРИ) олимлари, мутахассислари ташаббуси билан шўр ювиш ишларини ташкил этиш борасида амалий семинар бўлиб ўтди.

Унда мутасадди ташкилотлар раҳбарлари, мутахассислар, қишлоқ ҳўжалиги божкармалари ва ирригация тизимлари раҳбарлари иштирок этилди. Қўрғазмали семинарда шўр ювишининг мақсади, усуллари, мuddатлари, қандай ташкил этиш борасида тушуноча берилди.



Шартнома — лафз демак

(Боши 1-бетда)

Бошқача айтсак, республикаимиз қонунчилигида икки ёки бир неча шахсининг фуқаролик ҳўқуқлари ва бурчларини вужудга келтириш, ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги келишув шартнома, деб белгилаб қўйилган. Бу жиҳат дунёнинг қатор ривожланган давлатлари қонунчилигида ҳам мавжуд. Яна бир эътиборли томони, юртимизнинг барча фуқаролари ҳамда юридик шахслари шартнома тузишда эркиндирлар. Қонунчилигимизга биноан уларни шартнома тузишга мажбур қилишга йўл қўйилмайдди. Улар хоҳ юридик шахс ёки тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган жисмоний шахс бўлсин, ўзаро тузаётган ҳўжалик шартномаларида қонун доирасида ҳар қандай шартларни мустақил белгилашлари мумкин.

Айтинг-чи, айна пайтда республикаимизда шартномаларни муносабатлар қандай ҳўқуқий ҳўжатларга асосланиб юритилмоқда?

Юртимизда хусусий мулкнинг конституциявий даражада тан олиниши мулкдорлар синфининг пайдо бўлишига замин яратди. Бундай шартнома фаолият юритиш эса шартномавий - ҳўқуқий муносабатларга эҳтиёжини оширади. Шу боисдан, кейинги йилларда шартномаларни муносабатларни ривожлантириш ва уларни тақомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жаҳон андозаларига мос равишда ишлаб чиқилган ва 1997 йилнинг 1 мартидан амалда қўлланилиб келинаётган Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси шартнома интизомини тартибга солуви барча қондаларнинг ўзида мўжассамлаштирган. Шартнома муносабатларини тартибга солиб туришга йўналтирилган меъёрлар бозор иқтисодиёти ҳамда ҳўқуқий давлат тамойили асосида белгиланган.

"Ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий - ҳўқуқий базаси тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилиниши эса шўр кодекс қондаларини аниқ ва соддалаштирилган ҳолда амалиётга қўллаш учун шарт яратди. Албатта, бундан қўзланган мақсад бор. Яъни, шартнома маданиятини ривожланган мамлакатлар даражасига кўтариш. Чунки шартномавий маданиятнинг юқорилиги ўзаро иттифоқлик, қўйилган мажбуриятларни тўғри ва аниқ тушуноа олиш, масъулиятни тўлиқ ҳис қила билиш каби омилларда намоён бўлади.

Шу ўринда вазирик томонидан шартномаларни муносабатлар доирасида олиб борилаётган ишлар хусусида тўхталиб ўтсангиз.

Ҳўжалик шартномаларини тузишда ҳўқуқий ёрдам кўрсатиш ва ўз ваколати доирасида уларнинг бажарилишини назорат қилиш алоҳида вазирилари юқуқли бўлган. Шундан келиб чиқиб, вазирик ходимлари ҳўжалик юритувчи субъектлар ўртасида, шў жумладан, қишлоқ ҳўжалик қорамоллари ҳамда фермер ҳўжаликларига билан контрактация шартномаларини тузишда бевосита иштирок этиб келмоқда. Масалан, 2006 йил ҳосили учун пахта хош ашёси етказиб бериш юзасидан 83 минг 584 та, галла маҳсулотларини етказиб бериш бўйича 75 минг 081 та қон-

ганлик фермер Аҳмад Ибрагимов топилди.

Шунингдек, бир қатор фермер ва агрофирма вакиллари қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Анвар ҚУЛМУРДОВ
Б.АКРАМОВ олган сурат.



Божхона

Қинғирликнинг йўли тўсилди

Яқинда Жиззах вилоят божхоначилари ҳўқуқий муҳофаза қилиш идоралари ходимлари билан ҳамкорликда ўтказган тадбир давомида "Мерседес-Бенц" русумли автобусни тўхтатиб текширишди.

Натижада, маъмур автобусда республикаимиз фуқароси А.Умарова ўзи билан қўшни Қозғонистон Республикасидан қонунчи равишда умумий нархи 446 минг 800 сўмни ташкил этувчи 12 минг 400 дона ароқ ёпиш учун фойдаланиладиган бурама металл копоқлар ва спирт маҳсулотларини олиб келаятганлиги аниқланди.

Шў каби яна бир ҳолат вилоят божхоначилари томонидан "Манас-14" ИҲХ پوستида "Мерседес-Бенц" русумли автобусни текширувдан ўтказиш чоғида фой этилди. Маълум бўлишича, республикаимиз фуқароси Д.Уролова умумий нархи 529 минг 235 сўм турайдиган 10 минг донга ароқ ёпишда ишлатиладиган бурама металл копоқлар ва 105 литр спирт маҳсулотларини қонунчи равишда Самарқанд вилоятига олиб келаятган экан.

Қорақалпоғистон Республикаси божхона божкармаси ходимлари "Қарақалпоқия" темир йўл станциясида "Бейнеу-Қўнғирот" поездини божхона назоратидан ўтказишди.

Қўриқ давомида республикаимиз фуқароси Т.Емжарова тегишли юклар синчковлик билан текширувдан ўтказилганда, ўзи билан қонунчи равишда умумий нархи 975000 сўмлик бўлган 2050 қути хилма-хил тамаки маҳсулотларини Қозғонистон Республикасидан Ўзбекистонга қонунчи равишда олиб кирмоқчи бўлганлиги аниқланди.

Ҳозирда юқоридаги ҳолатлар юзасидан суриштирув ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Шўмурод ХОЛМУРДОВ,
"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.

“Ҳазрат Соҳибқирон”

Журналист Ҳаким Сатторий бир неча йиллардан буён Соҳибқирон Амир Темур ҳақида матбуотда кўплаб мақолалар эълон қилиб келмоқда.

Унинг “Хотира қарвони”, “Амир Темур севган юрт” китоблари ҳам шу хайрли ишнинг давоми бўлиб, кўпчиликда катта қизиқиш уйғотган эди. Муаллифнинг Гафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи ҳамда “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси томонидан нашр этилган “Ҳазрат Соҳибқирон” ва “Олтин силсила” номли китоблари буюк боқоқалони мизнинг ҳаёти ва фаолиятига бағишланган. Куни кеча Миллий матбуот марказида ушбу китобларнинг тақдироти бўлиб ўтди.

Куйида “Ҳазрат Соҳибқирон” китобидан ушбу кичик парчани Сиз, азиз муштарийлар эътиборига ҳавола қилмоқдамиз.

Жаннаторо Самарқанд (1404 йил, август-ноябрь)

..Ана шундай бетакрор жиҳатлар билан ороланган шаҳар бутун дунёни ўзига мафтун этди, ер юзининг турли бурчақларидан савдогарлар, сайёҳлар, элчилар унинг остонасига интилдилар. Фарҳли уш қунарда Самарқандга олиб Испаниядан элчилар таширғи буюрган, Соҳибқиронга Франция, Англия, Византия, Венгрия, Генуя қироллари ҳат йўллаб, вакил жўнатган эдилар. Қарийб беш йилдан буён Хитой қоқнининг элчилари Соҳибқирон саройида яшар, бу орада икки давлат пойтахтлари 6-7 марта элчилар бориб келган эди.

Гонсалес де Клавихо (?-1412) эди. У Кастилия ва Леон қироли Генрих III Трастамар (1390-1407)нинг топшириғи билан Соҳибқирон 1402 йил Испанияга жўнатган элчи Муҳаммад Кешийнинг таширғига жавобан келган эди. Клавихо илоҳиёт илми магистри Алфонсо Поэс де Санта Мария, қиролнинг махсус соқчиси Гомес де Салазар ҳамроҳлигида 1403 йил май ойида йўлга чиқиб, 1404 йил августининг охирида Самарқандга етиб келди. Клавихо қўрганларини кундалигига ёзиб боради ва юртига қайтиш ҳам ўқир таасуротлар оғушида яшайди қамас. “Самарқандга, Темур саройига қўлингиз саёҳат кундалиғи (1403-1406)” асарини профессор Очил Тоғаев маҳорат билан таржима қилган (1989).

Кирол саройида мўтабақ мактавга ёза бўлган, етарлиқ дунёвий билимлар ва Шарқ тарихи ҳақида маълумотларни эғаллаган Руи Клавихонинг Самарқандга таширғидан кўзланган асосий мақсад ҳақида турли фаразлар бидирилади. Албатта, бу сарфар шунчаки қўнғилхўшлик ёки икки давлат бошлиғининг расмий алоқалари мақомидаги элчи алмашинуви

Ўқидингизми?

даражасидан кўра теранроқ мақсадни назарда тутгани аниқ. Бунга шундан ҳам ишонаса бўладики, Клавихо юртига қайтиб борган, у катта дабдалаблар билан кутиб олинди. Испаниядан ташқари бошқа Европа мамлакатлари ҳукмдорлари унга энг шарофли унвонларни тақдим этдилар. У шундай сийловга мувофиқ бўлибдики, демок, ўшанга арзийдиган хизмат қилган. Унинг “Кундалиғи” эса турли доираларда

турдилар. Улуғ амир уларнинг ўринларидан туриб, яқинроқ келишларини айтди. Мулозим подшоҳга яқинроқ боришга истиҳоло қилиб, элчиларнинг қўлларини қўйиб юборди. Подшоҳ ёнида турган, унга энг яқин кишилар ҳисобланган Шамелик мирасса (Шоҳмалик мирза), Норадин мирасса (Шайх Нуриддин) деб аталган амирлар элчиларнинг қўлларидан олиб, подшоҳ ёнига келтириб, қатор қилиб тиз чўктириб қўйдилар... Улуғ амир элчиларга қўлидан ўпишга рухсат этмади, чунки уларда бундай одат йўқ. Улар иззат-таалаб кишилар ҳисоблангани сабабли, ҳатто, улуғ амирнинг ҳам қўлидан ўпмайдилар. Шундан кейин подшоҳ элчиларга мурожаат қилиб, “Уғлим қиролнинг ахлоқи қандай, унинг ишлари жойидими?” деб сўради.

Элчилар саволларга жавобан ўз фаолияти ҳақида тўла ахборот берган, Соҳибқирон қабул маросимига тўпланган мулозим ва асқодларга мурожаат қилиб шундай дейди: “...Назаримда, улуғ амир худди ҳашаматли уй бусағасида ўлтиргандай туюлди менга. У шохсуна устида ўлтирарди. Унинг олдидаги фавора ичида қизил олмапар сузиб юрарди. Улуғ амир лўла-болушга ёнбошлаган ҳолда шойи кўрпача устида ўлтирарди. Подшоҳнинг эғнида гулсиз силлик шойи ақтак, бошида узун теллак, теллакнинг тепасида қизил ёқут, жавоҳир ва бошқа қимматбахо тошлар қадалган. Элчилар подшоҳни кўришлари заҳоти ўнг оёқларида тиз чўкиб, қўлларини кўксига қўйиб тазийм қилдилар. Кейин бир оз яқинлашиб, ана тазийм қилдилар, сўнг тиз чўкиб



XV Осиё ўйинлари кундалигидан



Енгил атлетика: Ушбу спорт турида бир неча йиллардан буён муваффақиятли иштирок этиб келётган ҳамюртимиз Гузал Ҳуббиева 100 метрга югуриш баҳсларида Доҳада ҳам ўзини кўрсатди.

ди. Белгиланган масофага барча рақибларидан олдин етиб келган Гузал олтин медалга эгалик қилди. 200 метрлик масофага эса у қумуш медал соҳибаси бўлди. Леонид Андреев таяниб сакраш баҳсларида 5,55 метр баландликни забт этиб, қумуш медалга сазовор бўлди. Уч ҳатлаб сакраш баҳсларида Анастасия Журавлева 14,26 натижани қайд этиб, қумуш медални эгаси бўлди.

Тазквандо: Евгения Каримова (+72 кг) финалга етиб келишни удралади. Хал қилувчи баҳсда эса хитойлик Зонг Ченга имкониятни бой берди қўйди.

Юнон-рум кураши: Спортчиларимиздан Равшан Рўзиқулов (66 кг) фақатгина финалда Жанубий корейлик Мин Чул Кимдан мағлубиятга учраб, қумуш медал билан тақдирланган бўлса, Дилшод Орипов (60 кг) ва Геннадий Чкадзе (96 кг) Доха гиламларида бронза медаллари сазовор бўлишди.

Бадий гимнастика: Улуғмақома баҳсларида вакилларимиз бешинчи погонани эғаллашди. Шахсий мусобақаларда эса Алёса Ашаева 15, Жамила Раҳматова 9 ва Зарина Муҳитдинова 13-погоналарни банд этди.

Бокс: 9 декабрь куни Бекзод Хидиров (60 кг), Рустам Саидов (+91 кг)лар 1/4 финалдаги “жанг”ларини ғалаба билан яқунлашган бўлишса, Уткирбек Хайдаров (81 кг) ва Бекзодбек Юнусов (69 кг)лар мағлубиятга учрашди. 10 декабрь куни Баҳодирхон Султонов (57 кг) Сонг Гук Ким (ЮҚД)дан, Элшод Расулов (75 кг) Житинг Занг (Хитой)дан, Жасур Матчонов (91 кг) Ал Шами Носир (Сурия)дан устун келишиб, ярим финалга йўл олишди. Дилшод Маҳмудов (64 кг) эса Мюн Хон Шин (Ж.Корея)га қичқ фарқ билан имкониятни бой берди.

Байдарка ва каноэда эшакчилик: Бу баҳсларда иштирок этишадиган вакилларимиздан Алексей Божович (байдарка) 1000 метрлик масофада қумуш медални қўлга киритди. Вадим Менков (каное) эса худди шу масофада олтин медалга эғалик қилди. Шунингдек, ушбу спорт турининг жуфтлик баҳсларида ҳам Алексей Божович ва Сергей Борзов (байдарка) тўртинчи, Серик Мирбеков ва Герасим Кочнев (каное)лар эса қумуш билан тақдирланишди.

Маскаев камарини сақлаб қолди

Профессионал боксинг WBC йўналиши суперогир вазнда жаҳон чемпиони Олес Маскаев Москвада ўз камарини ҳимоя қилиш учун рингга кўтарилди.

“Олимпийский” спорт мажмуасида ташкиллаштирилган “мушталашу”да Маскаев уғандлик Питер Океллога қарши баҳс олиб борди. Ун икки раунд давом этган “жанг”нинг олти раундида Окелло қарши ҳужумда ҳаракат қилди. Беллашувининг қолган қисмида устунлик Маскаевга ўтди ва уғандлик боксчи бутунлай ҳимояда ҳаракат қилди. Шундай бўлса-да, у сўнги сонияларга қадар “жанг”ни давом эттира олди.

Маскаевнинг рақибидан қучлиги ҳақматчи билан аққол намоён бўлди - 120-107, 120-107, 118-109. “Жанг”дан сўнг жаҳон чемпиони кейинги “мушталашу”ни Владимир Кличкога қарши ўтказишга уриниб қўришини айтиб ўтди.

Ф.АБИЛОВ тайёрлади.

Ҳакам хатосими ёки...



Футбол: Қатар пойтахти Доха шаҳрида ўтаётган XV Осиё ўйинлари дастуридан ўрин олган футбол бўлишувлари Ўзбекистон терма жамоаси учун яқунлашди. Аникроги, малайзиялик ҳакамнинг майдондаги мантиқсиз қарорлари эвазига вакилларимиз мусобақани муддатидан олдин тарқ эттишти. Чорак финал баҳсида Эрон термасига қарши тўп сурган Рауф Иниев шогирдлари гарчи биринчи бўлиб тўп ўтказиб юборишган бўлишса-да, Александр Гейрих таънафусгача орадаги фарқи йўққа чиқарганди. Учрашувнинг 54-дақиқасида эса Муҳаммад Каррара Бикмаевга ишлатган қўлпоглик учун майдондан ҳайдалди. Шундан сўнг устунлик вакилларимиз томонига ўтди. Афсуски, Александр Гейрихнинг жароҳат туфайли учрашувни давом эттира олмагани терма жамоа ҳужум чизигида бўшлиқни юзага келтирди. Унинг ўрнига майдонга тушган Камолитдин Мурзоевнинг хатти-ҳаракатлари ҳам бесамар кетди. Шунингдек, мазкур ўйинда Марат Бикмаев ҳам бир неча қўллик вазиятларни йўққа чиқарди. Иккинчи бўлимнинг сўнги дақиқаларида эса Асрор Алиқулов қизил картонка билан “сийланди”. Айнаш шу вазиятда малайзиялик реферининг анча “саводи пастиги” очқиса ҳам маълум бўлди. Ачинарлиси, Асрор майдондан ҳайдалган терма жамоамизнинг охириги ўйинчиси бўлиб қолмади. Қўшимча бўлимда Нодирбек Қўзибоев ҳам муддатидан олдин ечиниш хонасига равона бўлди. Хуллас, Ирок 2:1 ҳисобида ғалаба қозонди. Ўзбекистон терма жамоаси эса ноҳалис ҳакамларнинг “қурбон” бўлди. Минг таажубки, бизнинг терма жамоа учун бундай вазият биринчи марта юз бериши эмас. Узқоққа бормайлик, жаҳон чемпиони саралаш баҳслари доирасидан ўрин олган Тошкентдаги Ўзбекистон-Баҳрайн ўйини...

Чорак финалнинг қолган учрашувлари қуйидаги натижалар билан яқунлашди: Эрон-Хитой - 2:2 (пенальтилар бўйича 8:7), Қатар-Таиланд-3:0, Жанубий Корея - Корея Халқ Демократик Республикаси-3:0. 12 декабрь куни ярим финалда Ирок-Жанубий Корея ва Эрон-Қатар жуфтликлари финалга чиқиб учун кураш олиб боради.

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманидаги “ULUG-SHER-BIZNES” хусусий корхонаси шу ном билан масъулияти чекланган жамиятга айлантирилди. “ULUG-SHER-BIZNES” хусусий корхонаси МЧКнинг барча ҳуқуқ ва мажбуриятларини олави ҳисобланади. Тел.: 148-11-81.

“СН “NAZMAN” Мирабдуско району г. Ташкентга реорганизулется в ООО “NAZMAN POLIGRAF”. Претензии принимаются в течение пяти дней со дня опубликования объявления. Тел.: 363-79-78.

Компания “Solsitor Alliance Ltd.” намерена приобрести следующие ценные бумаги: акции простые именные безналичные ОАО “SANOATQURILISHINDUSTRIYA”, расположенного по адресу: г.Ташкент, Яхасарайский район, ул.Мукуми, 1-1 проезд, дом 7, в количестве 3 102 шт., что составляет 51,9% от Уставного фонда.

В соответствии с Положением о раскрытии информации участниками рынка ценных бумаг, зарегистрированным Министерством Юстиции 18.04.2002 г. № 1127 компания “UNDERLEX LLP” раскрывает информацию о намерении в приобретении 243 561 штук простых именных безналичных акций ОАО “UZBIORHARM”, расположенного по адресу: 700084, г.Ташкент, ул.Мавлянова, 37, что составляет 34% от Уставного фонда.

ООО “ARAFKA”, расположенного по адресу: Нам. обл., Янгйульганский район, п.Истиклол, ул.Бикешова, 48, намерено приобрести акции простые именные в количестве 35 517 штук, что составляет 25,56% от Уставного фонда ОАО “Шахрисабз консерва”, расположенного по адресу: Каш. обл., г.Шахрисабз, ул.Нугаева, 1.

Утеренная лицензионная картонка под № АТ 008109 на автомобиль “Hyundai Sonata” 10 АУ 227, СП “SALOM TAKSI” г.Ташкента сдается недействительной.

Санъат даргоҳи яна халқ хизматида

Янгиланган театр сахнаси анча кенгайтирилди, томошабинлар ўриндилари кўпайтирилди, мовий ранг бўмбоз унинг шифтини беэаб турбиди. Гимно деворлари, эшиклари турли нақшлар билан безатилди. Четдан келтирилган қурсилар қопламаси акустиканинг сифатли бўлишини таъминлайди. Театр майдони ҳам ўзгача қиёфага эга бўлди. Олд томони ободонлаштирилиб, пальма даракталари, майсазор ва фавора билан безатилди.

Театрнинг очилиши муносабати билан пойтахтимиздаги етакчи театрлар жамоалари вакиллари, Самарқанд, Фарғона, Наманган, Жиззах, Сурхондарё, Қўқон ва Қорақалпоғистон театрлари артистлари Андижонга таширғи буюрди. Меҳмонлар вилоят қорхоналари ва ташкилотлари, туманларда, олий ва ўрта махсус ўқув юрталарида бўлиб, қатор учрашувлар ўтказди.

Андижон вилояти соғлиқни сақлаш бошқармасида бўлиб ўтган шундай учрашувлардан бирида сўзга чиққан Ўзбекистон халқ артисти Зикир Муҳаммаджонов, Ёқуб Аҳмедов, Теша Муминов, Эркин Комилов Бобур номидаги вилоят театрини ўзбек санъатини ривожлантиришга қўшган хиссасини алоҳида таъкидладилар.

Шунингдек, пойтахт театрлари ва бошқа ижодий жамоалар вакилларини қишлоқ ҳўжалиги институтидан, давлат университетидан ва муҳандислик-иктисодиёт институтидан талаба ёшлар билан учрашувлари ҳам қўзикарли ўтди. Театрнинг очилиши кўнида намойиш этилган томошалар барчада катта таасурот қолдирди. Қайта тикланган театр ўзининг навбатдаги мавсумини бошлади.

Театрнинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Р.Қосимов, вилоят ҳўкимси А.Усмонов иштирок этди. (У.Са)

Машқ ва амалиёт синови

Бўстонлик тумани Тошкент вилоятининг тоғли ҳудудларидан бири ҳисобланади. Бу ернинг худудлари табиий ва техноген хусусияти фавқулодда вазиятлардан холи эмас. Шунинг учун ҳам жамоат масканларида, аҳоли пунктларида, кўп қаватли бино ва ишоотларда юзага келиши эҳтимоли бўлган фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этиш, жабрланган аҳолига биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш, хавфсиз жойларга қўчириш ҳамда авария-тиклаш, қидирув-қутқарув ишларини олиб бориш, қутқарувчиларни тез-тез маҳорат синовидан ўтказиш туриш талаб этилади.

Яқинда туманининг “Чимён” аҳоли пунктида махсус-тактик ўқув машқи ўтказилди. Уқув машқида туман фуқаро муҳофазасининг хизматлари ва қорхона, ташкилотлардан ташқари Чимён қишлоғи аҳолиси, Болалар сиб касаллигини даволал сихатгоҳи ва 38-сонли ўрта мактаб ўқувчилари катнашдилар.

Тадбирни ўтказишдан асосий мақсад, Бўстонлик туман бошқаруви органлари ва раҳбарлар таркибига улар томонидан фавқулодда вазиятлардаги фуқаро муҳофазаси тадбирларини режалаштириш, фавқулодда вазиятларнинг оқибатларини бартараф этишдаги тадбирларни амалга ошириш ишларида ёрдам кўрсатиш, тузилмалар ҳамда иқтисодиёт тармоқлари бошлик ва раҳбарларнинг фуқаро муҳофазаси куч ва воситаларини бошқариш, уларга раҳбарлик қилиш ишларида амалий кўникмаларини такомиллаштиришдан иборат эди. Машқда туман ҳўкимлигининг бошқарма ва бўлим раҳбарлари, мулкчилик шаклидан қатъи назар, туман худудида жойлашган барча қорхона ва ташкилотлар, ўқув муассасалари, туман фуқаро муҳофазаси хизматлари куч ва воситалари, гидромет, хавфли жараёнларни кузатиш хизматлари, Угом-Чотқол миллий боғи ҳамда аҳолининг бир қисми, ҳўкимлик қошидаги эвакуация ва халқ ҳўжалиги объектларининг барқарор

ҳамда ёнғин хавфсизлиги, тиббиёт, ветеринария, алоқа ва хабарлаш, Авиоўл хизматлари каби идора ва ташкилотларнинг фаол қатнашгани эътиборга олинди.

Машқ давомида “Чимён” қишлоқ фуқаролар йиғини аҳолисини ва уларнинг чор-ва молларини хавфсиз жойларга вақтинча қўчиришдан ташқари, шу худуддан оқиб ўтувчи сой қирғоқларини мустаҳкамлаш ва шу масканда жойлашган кўприклар, автотомобиль йўлларини таъмирлаш ишлари олиб борилди. Негаки, баҳор ойларида ҳам табиий офат хавфи сақланиб қолади. Бундан ташқари, ана шу тоғли маскан худудларида қалин ёққан қорнинг тўсатдан эриб тушиши ёки қаттиқ ёмғир ёғишдан йироқ эмас.

Умуман олганда, махсус-тактик ўқув машқи давомида кўпгина амалий тадбирлар бажарилди. 470 погон метр ҳақмда автомобиль йўллари, 12 погон метр ҳақмда 2 та кўприк таъмирланди, 840 погон метр бетон ариқлар тозаланди. “Гидрометеорология” хизмати “Чимён” станцияси ва дам олиш зонаси биналари оралигида 300 м, 0,4 кВт қувватли электр симлари алмаштирилиб, 2 та қўча еришти таянчлари қайта ўрнатилди. Бутун комплекс бўйича ободонлаштириш ишлари, “Чимён” сайёҳлик мажмуининг олд томонидаги панжара тўсиқларни бўш ва оқлаш ишлари ниҳоятга етказилиб, сим арқон йўлагчи (канатная дорожка) мавсум олдидан таъмирлаб қўйилди. Баҳарилган амалий тадбирларнинг умумий қиймати 3,6 млн. сўмини ташкил этди.

Бундан ташқари, ўқув машқи мубайнида вилоят Қў

фаолиятини таъминлаш комиссияларини иштирок этишди. Чимён аҳолисининг аксарият қисми тоғ ва қир этакларида истиқомат қилади. Кексаларнинг айтишига кўра, киш мавсумида бу тоғли худудларда ёққан қорнинг қалинлиги 2-2,5 метргача кузатилган пайтлари ҳам бўлган экан. Бу, шубҳасиз, йирик қор қўқисси эҳтимолини кучайтирмадан қолмайди.

— Махсус-тактик ўқув машқи ўз вақтида ўтказилди, — дейди биз билан сўхбатда “Чимён” қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Бахтиёр Режапов. — Негаки, куз адоғига етиб, қиш қировли кунлар келди. Қаҳратон қилиқини янғочлаб, қор ёғиши бошланди. Мана, кўриб турганингиздек, ҳозирданок тоғларга қалин қор тушиб улгурган.

Бу қишлоқ аҳоли пунктида 2500 дан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Шу кўни Бўстонлик тумани Чимён қишлоғи худудида Туман фуқаро муҳофазаси раҳбарлар таркиби ва тузилмаларининг қор қўқислари билан боғлиқ фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, унинг оқибатларини бартараф этишга оид ўтказилган махсус-тактик ўқув машқи ичмам ва тезкорлиғи олдинги тадбирлардан бир мунча ажралиб турди. Туман ИИБ жамоат тартибини сақлаш

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ: Саид АҲМАД, Ағитай АДИЛОВ, Уктам БАРНОЕВ, Фахриддин КАЛОНОВ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Суннат САЙДАЛИЕВ, Ҳабиб ТЕМИРОВ, Фафур ШЕРМУХАММАД.

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Аграрноаҳоли комплекс таркибидagi ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар

ТЕЛЕФОНЛАР: Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими - 136-58-83, 136-56-25, Котибият - 133-95-17, Реклама ва эълонлар - 133-44-43, 136-54-44, 133-28-04, Факс - 133-44-43, 133-40-87

ВИЛОЯТ МУҲБИРЛАРИ: Қорақалпоғистон Республикаси - 8-361-58-512-17, 22-35-753; Андижон - 8-374-22-234-08; Бўҳоро - 8-365-22-64-61; Жиззах - 8-372-22-606-34; Навоий - 8-436-22-60-525; Наманган - 8 - 369-41-234-23; Фарғона - 8-373-61-221-97; Самарқанд - 8-366-2-33-70-57; Сурхондарё - 8-376-46-526-61; Сирдарё - 8-367-37-23-813; Тошкент - 8-371-136-56-21; Ҳорам - 8-362-22-623-50; Қашқадарь - 8-375-22-517-65.